

# **Куз-қиши мавсумига тайёргарлик жараёнлари кўздан кечирилмоқда.**



Қумкўрғон тумани ҳокимлигига куз-қиши мавсумини талофатсиз ўтказиш мақсадида ташкил этилган штаб томонидан ижтимоий соҳа обектларида иситиш тизими, энергия таъминоти ва коммунал хизматларнинг сифатли кўрсатилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилояти Миллий гвардия бошқармаси бошлиғи полковник Ш.Сайдов бошчилигидаги ишчи груп томонидан штаб фаолияти ҳамда туман марказий шифохонаси ва ногиронлиги бор мурувват уйида иситиш тизими ҳолатини кўздан кечирди.

Бундан ташқари аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш шахобчасида бўлиб, аҳолига қанча муддатда суюлтирилган газ тўлдирилган балонлар етказиб берилаётганлиги билан танишди.